



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY HUKUMAT
INV. №

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

2009 йил
23 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 76
(12.192)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ЭКОЛОГИЯ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Тошкентда Марказий Осиёдаги экологик вазият ва барқарор ривожланиш масалалари бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон экологик ҳаракати фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир каторда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Япония, Германия, Хиндистон, Индонезия, Россия, Норвегия, Литва, Козогистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган экспертлар ҳам иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бу борада ечимини қутаётган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли минтақамизда экологик ноқулайликларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича муайян тажриба ортирилди. Бу жараёнда қонунчилик базасини шакллантириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий-меъёрий тизимни мустаҳкамлашга эришилди.

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида жамоат бирлашмаларининг ўрни ва ролини янада ошириш, миллий ва глобал экологик муаммоларнинг ечимини топишда ўзаро алоқаларни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилди. Ушбу тузилма ҳозирги кунда экологик барқарорлиқни таъминлаш, бу борадаги сайёҳаракатларни мувофиқлаштириш, ушбу йўналишдаги қонунлар ижросини таъминлашда жамоатчиликнинг ролини ошириш бўйича кенг қўлмали ишларни амалга оширмоқда.

Халқаро анжуманда ишти-

рок этган Миссури университети профессори (АҚШ) Брэд Бэйбек, Халқаро саломатлик ва барқарорлик институти профессори Момока Чига, Япония сўв форуми менежери Шегонори Асаи фикрича, Ўзбекистонда нафкат миллий, балки минтақавий ва глобал экологик муаммоларни ижобий ҳал этишга, экологик хавфсизликни таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг вужудга келиши, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат учун ўрин ажратилиши бу борада узқон қўлланган сиёсат амалга оширилаётгани, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш, инсон саломатлигини муҳофазалаш устувор вазифага айланиганини ифодасидир.

Анжуманда барқарор ривожланиш таъминлашда Ўзбекистон экологик ҳаракати олдига турган вазифалар, ёшларнинг экологик дунёқарашини оширишда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар самараларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Пахта - 2009

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, йиғим-терим ишларига олдиндан ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрилмаса, мавжуд ишчи қучлари ва техника воситалари мукамал шай қилинмаса, мавсум чўзилиб, машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг бир қисми ёгин-сочинли кунларга қолиб, нест-нобуд бўлиши мумкин. Шуни ҳисоб-

га олган Бекобод тумани пахтакорлари мавжуд 187 та юк транспорти, 304 та трактор тиркамаси ва 8 та пахта оқлагичларини барвақт сошлаб, мавсумга тахт қилдилар.

"Далварзин" муқобил машина-трактор парки жамоаси мавсумга айниқса пухта тайёргарлик қўрди.

— Унта транспорт трактори, 20 та тиркама ҳудудимизда мўл ҳосил



ДАЛА — ТРАНСПОРТ — ҚАБУЛ ПУНКТИ

тизими бу йилги пахта йиғим-терим мавсуми муваффақиятдан
яқунланишини таъминловчи асосий омиллардан биридир



етиштирган фермерларга хизмат қилади, — дейди бошқарув раиси Дилшод Худойбердиев. — Биз асосий эътиборни "дала — транспорт — қабул пункти" конвейери бутун мавсум давомида узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлашга қаратамиз.

СУРАТЛАРДА: тайёр тиркамалар яна бир бор қўздан кечирилмоқда; ММТП бошқарув раиси Дилшод Худойбердиев (ўртада) парк ходимларига навбатдаги вазифаларни тушунтирмоқда.

Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.

ГЎДАК УЧУН АСЛ ОЗУҚА

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофазаси, соғлом авлод таъминлаш ва тарбияланишини яхшилаш йўлида қўрсатилган доимий гамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тошкентда кўрақ сўтининг ижтимоий муҳофазасига оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга бағишланган илмий-амали семинарда шу ҳақда гап борди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил қилинди.

Тадбирда аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофазаси қилиш масалалари, "Соғлом она — соғлом бола" мақсадли вазифасини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини янада кучайтиришга оид маърузаларда маърузалар тингланди.

ЎЗА.

Дил изҳори

Юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, пенсионерларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларга қатор қулайликлар яратишга катта аҳамият берилаяпти. Бу албатта, мамлакатимизда инсон манфатлари ҳамма нарсадан устуворлиги ва Юртбошимиз юртайбган сиёсатнинг аввало ана шу мақсадга хизмат қилаётганидан далолатдир.

ЯНГИЛИК ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРАЯПТИ

Қўлимга қалам олиб, мазкур мактубни йўллашга ундаган нарсаси шунки, кейинги пайлар пенсия таъминоти тизимида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз бераёпти. Аввало, ҳукуматимизнинг ҳаёт фаровонлиги ва аҳоли даромадларини оширишга қаратаётган юксак эътибор ва гамхўрлиги туфайли юртимизда меҳнатқашларнинг иш ҳақлари, нафақалардан тортиб талаба фарзандларимизнинг стипендиялари босқимча-босқимча ошириб бораёпти. Очигини айтганда, олаётган пенсиямизга анча бора қўли қолди ва аминманки, бугун нафақасидан нолийдиган пенсионерларимиз қолмади, ҳисоб.

Қолаверса, пенсиямиз вақтида, узлуксиз етказиб берилаяпти. Бунда вилотимизда синов тарихида жорий этилган янгилик — пенсия тўловларининг илгаридек почта орқали эмас, балки "Халқ банки" шохобчалари орқали берилаётгани асосий омил бўлаяпти, деб ўйлаймиз. Негаки, бу янгиликдан қўзланган мақсад аҳолининг қариллик ва бошқа ижтимоий нафақа олувчи қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга қатор қулайликлар яратиш эканлигини қўриб, ҳис этиб турибмиз.

Янгилик жорий этилганидан хабар топанганимизда тўғриси, ўзгаришнинг нима афзаллиги бор экан, деб ўйлагандик. "Халқ банки" ходимлари, аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бўлими, маҳалла мутахассислари аҳоли яшаш жойларида бўлиб, пенсионерлар билан турли учрашувлар, тарғибот-ташвиқот тадбирларини олиб боришга, янгилик моҳиятини яхши тушуниб олдик. Бу аввало, мақсадли тўлов харажатларини пухта режалаштириб, белгиланган муддатларда тўлашини кафолатлайди. Пенсионерлар хоҳласалар пенсия пулларини банкда омонатга қўйиб сақлашлари, ҳамжариб беришлари ҳам мумкин. Бунинг учун банк томонидан йиллик 10 фоиз миқдорда устам ҳақ ҳам белгиланган экан. Қўнчилиқ пенсионерлар коммунал тўловлар учун ҳам банк орқали тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эга бўлаётганлари айниқса, қулайлик туғдираяпти.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга нумунали хизмат кўрсатаётган банкнинг Келес шаҳобчаси ходимларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Мукаддас УМАРОВА,
пенсионер, Тошкент тумани.

ЭКСПЕДИЦИЯ АЪЗОЛАРИ — ТАЛАБАЛАР

Вилоятда ер кадастри бўйича навбатдаги кузатиш ишлари олиб борилди. Бўстонлик тумани Юсуфхона қишлоғидаги изланишлар асосида янги геолойхалар тайёрланди.

Ушбу ҳудуд Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг ўқув "полигони" саналади. Олий ўқув

юртининг "Ердан фойдалана ва ер кадастри" факультети талабаларидан тузилган илмий экспедиция

қишлоқнинг ўзига хос геодезик қиёфасини ҳам атрофлиқа ўрганди.

Тўпланган баъби материаллар коллекцияси ўқув жараёнида қўрсатилган табиғат сифатида фойдаланилади.

Депутат ва ҳаёт

Ўзбекистон "Ағолат" социял демократик партияси Қўрай туман сиёсий кенгашининг раиси, халқ депутатлари туман кенгаши аграр, сув ҳўжалиқ экология ва ободонлаштириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг раиси Фахриддин Холдоров билан суҳбат



ҲАМИША ОДАМЛАР ОРАСИДА

— Аввало, ўзингизни таништираманми? Сийёсий кураш жабҳасига қандай қириб келгансиз?

— Тошкент автомобиль йўллари институти 1987 йили битириб, мудофаага қўмаклашувчи ташкилотнинг Қўрай спорт-техника клубида ишлай бошладим. Эсласангиз, истиқлол гоилари катта қўлаб-қўшнинг онги ва шуурини эгаллаб, Ўзбекистон суверенитетини қўлга қиритиб, мамлакатни мустақил ривожланиш йўлига олиб ўтиш учун кураш тобора қизгин тус олаётган йиллар эди. Табиийки, биз, ёшлар ҳам бу сайёҳаракатлардан четда қолмадик. Давр руҳи бизни сиёсий кураш майдонига олиб қикди, десам янглишмайман.

Нижоят, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мен ҳам жамоат ишларига фаол қирилиб кетдим. Миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан сақлаш, одамларнинг онги ва дунёқарашини янгилаш учун курашда маҳалланинг ўрни алоҳида маъно касб этган кезлари жамоатчилик мени "Ёшлик" маҳалласи оқсоқолигига сайлади. Уша қизгин янгилаш палласида "Адолат" социал демократик партияси сафига қирдим. Бироз ўтиб, олдинги сайловда партиямиз халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига номзодимни

кўрсатди.

— Халқ вакиллари органларига ўтган сайловларда сайланган депутатларнинг ваколат муддати тугаяпти. Шу йиллар депутатлик фаолиятингизда қандай из қолдиряпти?

— Яқинда туман партия ташкилотимизнинг ҳисобот конференциясини ўтказдик. Иштирокчилар депутат сифатидаги фаолиятини, доимий комиссиямиз амалга оширган ишларни талабчанлик билан таҳлил қилишди. Очиги, мен бундай муҳокamani кутмаган эдим.

Партиядошларимнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб, тушунидик, депутатлик шунчаки обрў эмас, балки давлат вакиллик органи орқали партиямиз иродасини, унинг дастурий мақсад ва вазифаларини рўёбга қичариш учун курашдан иборат топирик.

Партиямиз менга ишониб, туман кенгаши депутатлигига номзодимни кўрсатганлигини аввал бошдан қатта бир масъулият сифатида қабул қилган эдим.

Қолаверса, сайловчиларимда бугун тобора мукамал шаклланиб бораётган фуқаролик жамиятимизни мустаҳкамлаш иштиёқини ўйотиш ва қучайтириш, уларда Ўзбекистоннинг буюк келахагига ишонини, шу азиз Ватан учун ифтихор, унга садоқат туйғусини тарбиялашда халқ депу-

татининг сайёҳаракатлари, ташаббус ва иштилолари кўп жиҳатдан халқ қучиши аҳамиятга эга эканлигини англаб етдим. Шунга муносиб бўлишга ҳаракат қилдим, партия менга кўрсатган катта ишончини оқлаш учун бор қучимни, аклироқимни ва билимимни аямдим.

— Фахриддин Йўлдошев, депутатлик фаолиятингиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Шу масалада бир нарсани таъкидлашни истардим. Аввал бошдан мен учун бу — депутат бажарадиган иш, бу — "Адолат"нинг вазифаси деган ахратий бўлмаган. Айниқса, шу йилнинг январиди мени партиямиз туман кенгашининг раислигига сайлашга, бу йўналиш яна ҳам қучуралиш кетди.

Маълумки, бозор муносабатлари устувор бўлган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига жамиятимиз аъзоларининг турли қатламлари турли даражада қадам қўйишди. Шу боис "Адолат" социал демократик партияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳоли турмушини яхшилаш, қонун устуворлигига эришиш, демократик ва ижтимоий адолат тамойилларини тўла қарор топириш учун курашни ўзининг устувор дастурий вазифаси деб белгиланган экан, биз

қўйи бўғинда шу ниятларни амалда рўёбга қичариш ҳаракатидимиз.

Бугун ўтган сайловлардан бўён эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш мумкин. Сайловчиларнинг турмушини яхшилаш, рўзгорлари бут, баракали бўлишга, муҳтоҳлар вақтида ёрдам олишларига эришишни қўллаб, аввало, 27-сайлов округи ҳудудиди маҳаллаларда яшовчи 50 та кам таъминланган оила телефонлаштирилиб, Тошкент шаҳри телефон алоқаси тизимига уланлишига эришилди. Бу телефон хўналарининг бир қисми интернетга уланганлиги ҳисобга оллина, қишлоқ болаларининг пухта билим олиши, жаҳонга қичиши учун қанчали қулай шароит яратилганлигини тушуниб олиш қийин бўлаяпти.

Иқкинчидан, қишлоқ маҳаллалари ободонлаштирилиб, ички йўллар асфальтланаяпти. Икита қўчага асфальт ётиқиди. "Ёшлик" маҳалласиди барча хонадонларга ичимлик суви ҳисоблагичлари ўрнатилди. Бу — икки томонлама фойда дегани. Биринчидан, энди ичимлик сувини тежах қучайди. Иқкинчидан, хонадонлар ҳам сув учун тўловни ишла-тилган сув ҳажмига қараб тўлашпай, бундан иқтисодий наф қўришапти.

(Давоми 2-бетда).

2010 обуна
йил учун бошланди
ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси — 205.



"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
суҳбатдашди

